

“Ўзкимёсаноат” АЖда МДХ Молия-банк кенгаши делегацияси билан учрашув ўтказилди

// 26 fevral 2020 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/fbc-cis>



“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятида МДХ Молия-банк кенгашининг мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси Анатолий Борисович Казаков бошчилигидаги делегация аъзолари иштирокида учрашув ташкил этилди.

Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси кимё саноатининг истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, МДХ МБК “Ўзкимёсаноат” АЖ билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича истиқболли режаларни амалга оширишда иштирок этишга қизиқиш билдирди.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати